



THE EFFECT OF PERLOCUTION AND SPEECH EFFECT IN SPEECH ACTS OF GRATITUDE

Durdona Esonovna Lutfullaeva

Doctor of Philological Sciences, professor
International Islamic Academy of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: 1965ddd@mail.ru

Mirjalol Olimovich Ziyaev

Lecturer
“Mendeleev” private school
Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Keywords: speech acts of gratitude, locative act, illocutionary act, performative structures, addressee, addressee, speech influence, non-verbal means

Received: 03.02.24

Accepted: 05.02.24

Published: 07.02.24

Abstract: In this article, conclusions are given about the speech effect on the addressee through speech acts of gratitude and its results. When the mental state of the addressee is affected through the analysis of speech acts of gratitude, emotional relations such as warmth, cheerfulness, joy, protest, and surprise appear in him; It is based on body movements and facial expressions as a response reaction.

МИННАТДОРЧИЛИК НУТҚИЙ АКЛАРИДА ПЕРЛОКУЦИЯ ВА НУТҚИЙ ТАЪСИР САМАРАСИ

Дурдона Эсоновна Лутфуллаева

Филология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: 1965ddd@mail.ru

Миржалол Олимович Зияев

Ўқитувчи
“Менделеев” хусусий мактаби
Фаргона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: миннатдорчилик нутқий актлари, локутив акт, иллокутив акт, перформатив тузилмалар, адресант, адресантга нутқий таъсир кўрсатилиши ва

Аннотация: Ушбу мақолада миннатдорчилик нутқий актлари орқали нутқий таъсир кўрсатилиши ва

адресат, нуткий таъсир кўрсатиш, новербал воситалар.

унинг натижаси ҳақида хулосалар берилган. Миннатдорчилик нуткий актлари таҳлили орқали адресант руҳий ҳолатига таъсир кўрсатилганда унда илиқлик, кўтаринки кайфият, хурсандчилик, эътироз, ажабланиш каби ҳиссий муносабатлар юзага келиши; жавоб реакцияси сифатида гавда ҳаракатлари, мимик ҳаракатларни амалга ошириши асосланган.

ЭФФЕКТ ПЕРЛОКУЦИИ И РЕЧЕВОЙ ЭФФЕКТ В РЕЧЕВЫХ АКТАХ БЛАГОДАРНОСТИ

Дурдона Эсоновна Лутфуллаева

доктор филологических наук, профессор

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: 1965ddd@mail.ru

Мирджалол Олимович Зияев

Преподаватель

Частная школа «Менделеев»

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: речевые акты благодарности, локативный акт, иллокутивный акт, перформативные структуры, адресат, адресат, речевое воздействие, невербальные средства

Аннотация: В данной статье даны выводы о речевом воздействии на адресата посредством речевых актов благодарности и ее результате. При воздействии на психическое состояние адресата посредством анализа речевых актов благодарности у него появляются такие эмоциональные отношения, как теплота, веселость, радость, протест, удивление; В его основе лежат движения тела и мимика как ответная реакция.

КИРИШ

Прагматингвистикада тингловчига нуткий таъсир кўрсатиш ва унинг бирор бир ҳатти-ҳаракатни амалга оширишига эришиш, эмоционал ҳолатида ўзгариш ҳосил қилиш, воқеликка муносабатини ўзгартириш ва шу каби нуткий таъсир натижаларига эришиш масаласини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазиятда сўзловчи икки коммуникатив мақсадга эришишни кўзда тутди: ахборот бериш, сўроқ қилиш, миннатдорчилик билдириш, таклиф қилиш, тилак билдириш, эътироз билдириш ва шу каби турли коммуникатив мақсадларни амалга ошириш ҳамда тингловчининг ушбу мақсадлар билан боғлиқ ҳолда муайян ҳатти-ҳаракатларни бажаришига ундаш ёки унинг ҳис-туйғусига таъсир кўрсатиб, руҳий ҳолатида ўзгариш ҳосил қилишга эришиш. Демак, бундай вазиятда нуткий акт орқали бирдан ортиқ коммуникатив

вазифа бажарилади. Прагматлингвистикада тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш ва унинг натижасига эришишни акс эттирувчи мазкур ходиса перлокуция дейилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ш.Сафаров перлокутив актнинг хусусиятини куйидагича очиб берган: “Нутқий фаолиятнинг таъсир ўтказиш босқичи *перлокутив акт* номини олган. Биз “*Иссиқ чой дамладим*” гапи талаффузининг натижасини тингловчи ушбу нутқий ҳаракатни биз истаган мақсадда (масалан, тингловчи чойнинг иссиқлигини эшитиб, уни ичишга рози бўлишида) қабул қилишда кўрамиз. Демак, перлокуция тингловчи онгига, ҳис-туйғуларига ва ҳатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш ҳаракатидир”[1].

Маълум бўладики, перлокутив акт адресант туйғулари, ҳатти-ҳаракати, муносабатларига таъсир кўрсатувчи, уни бирор бир ҳатти-ҳаракатни содир этишига туртки берувчи нутқий ҳаракат саналади. М.Ҳакимовнинг қайд этишича, “Перлокутив акт тушунчаси тингловчининг ҳис-туйғуларига таъсир этувчи коммуникатив акт сифатида прагматика масалалари қаторига киритилади” [2].

Мулоқот жараёнида нутқий таъсир натижаси нутқ эгаси учун муҳимдир. Аммо Ш.Сафаров қайд этганидек, нутқий таъсир натижасини олдиндан айтиш қийин, сўзловчи нутқини эшитган (ёки ўқиган) тингловчининг бўлғуси ҳатти-ҳаракати, жавоби турлича бўлиши мумкин [3]. Баъзан сўзловчи нутқий таъсир кўрсатиш орқали ўз мақсадига эришса, баъзан у кутган натижа содир этилмаслиги ҳам мумкин.

Миннатдорчилик нутқий актларида адресантга кўрсатилган нутқий таъсир ва унинг натижаси куйидагиларда намоён бўлади:

1. Адресант руҳий ҳолатида ўзгариш юз бериб, бу ҳолат унинг жавоб нутқида намоён бўлади.

2. Адресант руҳий ҳолатидаги ўзгариш унинг ҳатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Миннатдорчилик нутқий актлари орқали адресант руҳий ҳолатига, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатилганда унда илиқлик, кўтаринки кайфият, хурсандчилик, эътироз, ажабланиш каби ҳиссий муносабатлар юзага келади. Бундай вақтда адресант руҳий ҳолати, ҳис-туйғуларига кўрсатилган таъсир натижаси куйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Ажабланиш, ҳайрат ифода этилади. Баъзан адресант ўзига билдирилган миннатдорчилик сабабини тушунмайди. Миннатдорчилик нутқий акти таъсирида унда ажабланиш, ҳайрат ҳисси юзага келади. Масалан:

– *Етиб келолмадим, – деди Шерзод ҳамон эсанкираб. – Ростини айтсам, сизнинг қўнғироқ қилганингизниям энди эшитяпман. Ҳали шихонага борганим йўқ. – У бир зум ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди.*

– *Раҳмат сизга.*

Зухра ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

– Нима учун? – унинг кўзларида яна сеҳрли учқун чақнади... (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”)

Ушбу матнда Шерзоднинг Зухрага билдирган миннатдорчилиги унда ажабланиш ҳиссини юзага келтирган. Бу ҳиссий муносабат асосида адресантда сўроқ нутқий акти юзага келган.

2. Миннатдорлик изҳор қилинади. Бундай ҳолатда адресант ўзига билдирилган миннатдорчиликдан таъсирланиб, адресатга миннатдорчилик нутқий акти билан жавоб беради. Бошқача айтганда, миннатдорчиликка миннатдорчилик билан жавоб қайтарилади. Масалан:

Абдувоҳид эшикни ёпиши билан Шерзод Шоирага қаради. У энди қизармас, қисқа этаги остида кўриниб турган оппоқ сонларини чалиштириб ўтирарди.

– Тузалиб қопсиз, – деди у жилмайиб. – Бунинг учун сизларга раҳмат.

– Сизга раҳмат! – деди Шоира тўсатдан.

Шерзод ярқ этиб унга қаради. – Нега?

– Ўзим... – Шоира елкасини қисиб, яна жилмайди.

Шерзод ҳеч нима тушунмади, стол устидаги қоғозларни титкилай бошлади. ... (Ў.Ҳошимов. “Нур борки, соя бор”)

Баъзан адресант ўзига билдирилган миннатдорчиликка нисбатан жавоб реакцияси сифатида Ёрдамим текканидан хурсандман!, Ёрдамимни қабул қилганингиздан манмунман! тарзидаги нутқий актларни ишлатади.

3. Миннатдорчилик тасдиқланади. Бундай нутқий актларда адресант ўзига ёки бошқаларга билдирилган миннатдорчиликни тасдиқлайди. Унинг жавоб реакциясида тасдиқни англатувчи бирликлар ишлатилади. Масалан:

– “Сиз”-“биз” – унча тўғри келмайди, Онахон, биз энди ҳаммамиз бир одам бўлиб қолдик. Ҳаммамиз бир-биримиздан миннатдормиз...

– Ҳа, ҳа! Худди шуни айтмоқчи эдим, миннатдор! Шу сўз яхши! Ҳа, жуда-жуда миннатдормиз! (А.Мухтор. “Опа-сингиллар”)

4. Хурсандчилик билдирилади. Миннатдорчилик нутқий акти таъсирида адресантда хурсандлик кайфияти юзага келиши мумкин. Бу эмоционал ҳолат унинг нутқида *балли, баракалла* каби олқиш билдирувчи бирликлар орқали ифодаланади. Масалан:

– Йўқ, бирпас қамалиб ётди, кейин бечорага раҳмим келиб, мириабга бир сўм пора бериб, йигитни қутқазиб юбордим, даъвом йўқ, дедим. Йигит бечора хурсанд бўлганидан бўйнимдан қучоқлаб ўпиб:

– *Раҳмат, ака, бу яхшиилигингизни ўлгунимча унутмайман, қиёматли ака-ука тутиндик, уйим Тўқли жаллоб маҳалласида, отим Абдурайим, – деб миннатдор бўлиб кетди.*

– *Балли, йигитлик шундай бўпти-да, ака, – дедим. (Ғ.Ғулом. “Шум бола”)*

Ушбу матнда қўлланган *Балли, йигитлик шундай бўпти-да, ака* нутқий акти сўзловчининг ўзига билдирилган миннатдорчиликдан хурсандлигини англатади.

5. Камтарлик намоён қилинади. Бу ҳолатда билдирилган миннатдорчиликка нисбатан камтарлик билан *Арзимаиди!* нутқий акти ифода этилади. Умуман, ўзбекларда билдирилган миннатдорчилик учун *Арзимаиди!* нутқий актини қўллаш одат тусига кирган. Бундай вазиятда ушбу нутқий акт орқали миннатдорчилик муаллифига “*Қилган яхшилигим (ёрдамим, эҳтиромим кабилар) миннатдорчилик билдиришингизга арзимаиди*” мазмунида камтарлик кўрсатилади.

6. Ваъда берилади. Миннатдорчиликни қабул қилувчи ўзига билдирилган миннатдорчиликдан таъсирланиб, яна шундай яхшилик қилишга ваъда бериши ҳам кузатилади. Масалан:

– *Келиб, хабар олганинг учун миннатдорман, болам.*

– *Худо хоҳласа, яна келамиз, бувижон! (Сўзл.)*

7. Баҳо ифодаланади. Баъзан адресант билдирилган миннатдорчиликка ёки унинг муаллифига баҳо бериш орқали миннатдорчиликка жавоб реакциясини қайтаради. Масалан:

– *Раҳмат, бу яхшилингиз учун сиздан умрбод қарздорман.*

– *Сиз бунга арзийсиз. (Сўзл.)*

Хуллас, миннатдорчилик нутқий акти орқали адресант руҳий ҳолатига таъсир кўрсатилганда унда турли эмоционал ҳолатлар юзага келади. Бундай нутқий таъсир адресант томонидан адресатга жавоб реакциясини билдириш шаклида намоён бўлади.

Миннатдорчилик нутқий акти таъсирида адресант руҳий ҳолатида юз берган ўзгариш унинг гавда ҳаракатлари, мимик ифодалари орқали ҳам намоён бўлади. Масалан:

Кранчи папиросни ўт олдириб бир-икки марта тўйиб-тўйиб тортиди-да, Анварга қаради.

– *Раҳмат, акаси, зап иш қилдинг-да, жуда хумор бўлиб турган эдим.*

Анвар унга маъноли илжайиб қўйди. (С.Аҳмад. Танланган асарлар)

Матнда Анварнинг ўзига билдирилган миннатдорчиликка жилмайиб қўйиши тасвирланган. Ушбу новербал хатти-ҳаракат адресантга нутқий таъсир кўрсатилганлигини далиллайди.

Маълумки, новербал воситалар мулоқот мазмунига аниқлик киритишга хизмат қилади. Шу билан бирга, адресантга ҳиссий таъсир кўрсатишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, миннатдорчилик билдиришда вербал ифода билан бирга қўлни кўксига қўйиб таъзим қилиш

миннатдорчиликни қабул қилувчи инсонга нисбатан нафақат миннатдорлик ҳисси, балки ҳурмат, ҳушмуомалалик билдирилаётганлигини ҳам англатади. Бундай нутқий вазиятда адресантда миннатдорчилик ифодасига нисбатан розилик, хурсандлик кайфияти юзага келади.

Шунингдек, мулоқот жараёнида кафтни ёпиб, бош бармоқни юқорига қўтарган ҳолда ёки ним табассум орқали миннатдорчиликка ижобий муносабат билдирилиши кузатилади. Бундай новербал ҳаракатларни ифодаловчи белгилар (стикерлар) ижтимоий тармоқлардаги ўзаро ёзишмаларда ҳам кўп ишлатилади.

Миннатдорчилик нутқий актларининг перлокутив хусусияти сукут тактикаси орқали ҳам намоён бўлади. Бунда миннатдорчиликни қабул қилувчи сукут сақлаш орқали жавоб реакциясини билдириши мумкин. Масалан:

Ўз онамдай бўлиб қолган фабрика. Буни Ефимга тушунтириб бўлармиди!..

– Мен тушунаяман, ўртоқжон...

– Мен тушунаяман, ўртоқжон! – деди яна Онахон жойидан дўстини қучиб. Унинг ориқ, рангсиз қўли титраб Софьянинг курак суягини силарди.

– Раҳмат...

– Сизга раҳмат, Софья Борисовна!..

Юракдан айтилган бу сўзлардан кейин кўзларга ёш келиши керак эди. Қучоқлашган хотинлар шу ёшни тийиш учунми, бирпас индамай қолдилар. (А.Мухтор. “Опа-сингиллар”)

Матндан англашиладики, адресант билдирилган миннатдорчиликдан таъсирланиб, ўзи ҳам миннатдорчилик нутқий акти билан жавоб қайтарган. Шу билан бирга, миннатдорчилик нутқий актидан таъсирланган мулоқот иштирокчилари кўз ёшларини тийиш мақсадида сукут тактикасини қўллашган.

Миннатдорчилик нутқий актларида адресантга нутқий таъсир кўрсатишда аҳамиятли ҳисобланган тил воситаларини аниқлаш муҳим. Ўзбек тилида бундай тил воситалари сифатида иллокутив феъллар ҳамда перформатив тузилмаларни кўрсатиш мумкин.

Иллокутив феъллар миннатдорчилик нутқий актларини шакллантиришга хизмат қилади, уларнинг мазмун моҳиятини белгилайди. Миннатдорчиликни ифодаловчи иллокутив феълларга *миннатдор бўлмоқ, миннатдорчилик билдирмоқ, ташаккур билдирмоқ* феълларини киритиш мумкин. Масалан, *Мен сизга миннатдорчилик билдираман!, Ёрдамингиздан беҳад миннатдорман!, Барчангизга ёрдамингиз учун самимий ташаккур билдираман!* нутқий актлари адресант қалбида илиқлик юзага келтиради, унинг кайфиятини кўтаради. Адресант ушбу миннатдорчилик актларини нафақат шунчаки қабул қилади, балки унда ушбу актлар таъсирида руҳий қониқиш ҳисси юзага келади. Бу ҳолат миннатдорчилик нутқий актларининг таъсир кучи ва унинг натижасини кўрсатади.

Перформатив тузилмалар эса, юқорида қайд этилганидек, нутққача тайёр синтактик бирликлар бўлиб, мулоқот жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилади. Бундай бирликлар ҳам адресантда кўтаринки кайфият ҳосил қилади. Масалан, *Эътиборингиз учун ташаккур!, Отангга балли!* нутқий актлари адресант қалбида илиқлик, кўтаринки кайфият ҳосил қилади.

Миннатдорчилик нутқий актларининг перлокутив хусусияти кўпинча адресант томонидан адресатга жавоб реакцияси қайтарилишида намоён бўлади. Бундай вақтда унинг нутқида *Арзимаиди, Саломат бўлинг!* каби нутқий актлар қўлланилади.

ХУЛОСА

Хуллас, перлокутив акт локутив ва иллокутив актлардан моҳиятига кўра фарқланади. Локутив актда асосий эътибор тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш ва унинг натижасига эришишга қаратилади.

ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 82.
2. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.23.
3. Сафаров Ш. Кўрсатилган мақола. – Б. 85.
4. Lutfullaeva, D. E. (2023). COLOR ASSOCIATION IN THE UZBEK LANGUAGE AND FACTORS AFFECTING ITS FORMATION. *Oriental Journal of Philology*, 3(06), 25-30.
5. Ziyaev, M. O. (2023). APPROACHES TO THE STUDY OF APPRECIATIVE SPEECH ACTS IN LINGUISTICS. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 5(07), 71-80.
6. Lutfullaeva, D. E. (2023). COLOR ASSOCIATION AND ITS MANIFESTATION IN LANGUAGE. *Journal of Social Research in Uzbekistan*, 3(06), 7-11.
7. Ziyaev, M. O. (2023). INDIRECT EXPRESSION OF GRATITUDE IN LANGUAGE AND ITS EFFECT ON THE SPEECH PROCESS. *International Journal Of Literature And Languages*, 3(07), 36-44.
8. ЛУТФУЛЛАЕВА, Д. Э., & САПАРНИЯЗОВА, М. НЕЙМИНГ: ТИЛДА НОМ ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.
9. Ziyaev, M. O. (2023). THE GRATITUDE CATEGORY AND ITS RELATIONSHIP WITH RELATED EVENTS. *Oriental Journal of Philology*, 3(04), 27-33.
10. Лутфуллаева, Д. Э. (2020). АССОЦИАТИВНЫЕ СЛОВАРИ И ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ АССОЦИАТИВНОГО ПОЛЯ ЛЕКСЕМЫ “МАКТАВ” В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Colloquium-journal* (No. 31 (83), pp. 24-29). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.